

Фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдир.

Абдулла АВЛОНИЙ



Ma'rifat

МАБРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 14 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 20 (7319)

Сирдарё вилояти маркази — Гулистон шаҳрида 120 ўринга мўлжалланган болалар шифохонаси қуриб битказилди. Шифохона Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

ЭЗГУЛИК КИТОБИНИ ЎРГАНАЙЛИК, УНГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

Мустақиллигимиз ўн йиллиги арафасида Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши мустақил ҳуқуқий демократик давлатда яшамоклик улғу неъмат эканлиги баробарида бундай жамиятни яратмоқ учун анчайин билим ва салоҳият, умумжаҳон маданияти юксак ахлоқ

ҳаётимиз бош мезони бўлмиш Конституцияга ҳурмат ва эътиқод руҳида яшашга ўргатади. Фармойишга кўра, Конституцияни чуқур ва атрофлича ўрганиш икки йўналишда олиб борилади. Биринчидан, болалар боғчаларидан тортиб узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида ҳамда бевосита фуқаролар ўрта-


Konstitutsiyani o'rganamiz

қоидаларига эга бўлмоғимиз лозимлигини бизга яна бир бор эслатди, хушёрлигимизни оширди, ижтимоий фаолликка чорлади.

Бу Фармойиш, фикримча, замонадошларимизда, айниқса, ёшларда миллий ғоя ва миллий мафқурани янада теранроқ шаклланишида, уларнинг ҳақиқий етуқ ва баркамол кишилар бўлиб етиштирилишида катта аҳамият касб этади. Парламентимиз томонидан мустақилликнинг ўтган йилларида қабул қилинган қозлаб давлат қонунларига, энг муҳими,

(Давоми 2-бетда)

Mustaqillik inshootlari



ЎҚУВ ДАРСОҲИ - КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Бугун мамлакатимизнинг қай бурчагига борманг, замонавий типда қад кўтарган коллежларга кўзингиз ташади. Бу кўркам ва ёруғ ўқув даргоҳларида эрта-мизнинг муносиб ворислари — ёшлар таълим олишмоқда. Яқинда чўлқуварлар шаҳри Янгийерда ҳам янги қурилиш касб-хунар коллежи қайта таъмирланиб, ёшлар ихтиёрига топширилди.

Айни пайтда бу ерда етти йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Талабаларнинг умумий сони 700 нафарни ташкил қилади. Уларга 3 нафар фан номзоди, 20 нафар олий тоифали ва 58 нафар малакали ўқитувчилар билим беришмоқда.

Коллежда талабаларнинг чуқур билим олиши,

кўнгилли ҳордик чиқариши учун барча шароит муҳайё этилган. Унда 900 ўринли ўқув корпуси, спорт мажмуи, ўқув устахонаси, 400 ўринли ётоқхона ва 250 ўринли ошхона мавжуд. Ҳар бир хона Кореядан келтирилган жиҳозлар билан безатилган. Улардан 3 таси эса тўлиқ компьютерлаштирилган.

Қисқаси, ушбу билим маскани нафақат вилоятда, балки республикамизда кўзга кўринган қурилиш касб-хунар коллежларидан биридир.

Суратда: Янгийер қурилиш касб-хунар коллежи кўриниши.

Баҳром Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.

КЕЛАЖАККА БАРЧАМИЗ ДАХЛДОРМИЗ

Айни кунда ёшларнинг бандлигини ошириш ҳамда уларнинг хоҳиш ва истакларига қура касб-хунарни ташлаш имконини берувчи таълим муассасаларининг барпо этилиши уларнинг эркин фикрлай олишини, эртанги кунда узоқ вақтга моҳир устаси бўлишини ҳамда Ўзбекистон келажаги пойдеворининг мустаҳкамланишини таъминлайди. Аммо, инсоният оламида унга хос бўлмаган омилларнинг ҳам мавжудлиги давлат тузилиши ва унинг фаолияти барқарорлигига салбий таъсир қўрилади. Хусусан, айрим ёшлар уртасида уқшга булган қизикшининг йуклиги, эътиборсизлиги, хали ҳам уларда боқимандлик кайфиятининг мавжудлиги ҳамда баъзи бир ота-оналарнинг узоқ вақтга бепарволиги тўғрисида ёшлар томонидан алоқасизлик ва тинчликнинг йуклиги кўрилади.

Шажримизнинг қуркам марказий кучларида эса ушбу мақсудларнинг реклами қилиниши ва у билан боғлиқ турли тадбирларни уюштириш ҳар бир инсонни ҳеч бўлмаса бир марта унинг "лаззати"ни табиб қуришга ундайди. Хуш, буларни қандай тушуниш мумкин? Ахир, ҳозирда фақатгина бир қисми таътигга қўришга уқшга булган қизикшининг ёшлар учун қурса-таётган гажамурлигига тусқинлик қила олмайди, деб ким қафолат бера олади?

Табийи маълумотларга кўра, биргина тамаки маҳсулоти туғуни таркибиде энг инфо-ланган индустриал шаҳар ҳавосидан 10000 марта ортиқроқ захарли моддалар мавжуд. Шу боисдан инфаркт касали билан вафот этувчи инсонларнинг 75 фоизини чекувчилар ташкил этади. Ҳар 10 нафар катта-кекучиларнинг 1 нафари унка, раки билан оламдан куз юмади. Афеулар буленики, айнан шу иллатларнинг авж олиши натижасида биргина узи эмас, хали брут оламини қуришга уқгурманган авлодлар, шартсиз ва боғлиқ бўлмаган равишда улар билан мулоқотда булган одамлар жабр қураллар.

Ta'kid

Азиз замонамиз, келинг гарчи, шу она-замон учун ҳеч нарса бера олмасак, унинг эртаси, фарзандлари, тинч ва осуда яшашган халқи учун ҳам ҳеч қандай қарши иш қўрмайлик. Фақат шундангина келажақ авлодини соғлом ва баркамол инсон бўла олишини таъминлай оламиз.

Гулноза ҚҮЙЛИЕВА



ЯНГИЧА ТАДБИР

кучайтириш мақсадида Юнусобод туманидаги Саиджон Калонов номидаги мактаб раҳбари Рустам Ҳикматов янгича тадбирни ўйлаб топди.

Бу тадбирга — ота-оналар мажлисига таниқли публицист, шоира Турсунои Содиковани таклиф этишди. Шоира "Ойлада фарзанд тарбияси" мавзусида ўз фикрларини баён этиб, ота-оналарни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Тадбирнинг самараси шундай иборат бўлдики, тарбияда устоз ва ота-оналарнинг сўзи бир бўлсагина, мақсадга эришиш мумкин эканлиги маълум бўлди.

Мухбиримиз

"Офарин — 2001" йилнинг энг яхши ижодкори Республика танлови совриндорлари ким бўлади? Голиблар қай йўсида аниқланади? Республика миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани ана шу масалага бағишланди. Республикамаизда икки йилдирки, ана шу танлов асосида кино ва театр, адабиёт ва журналистика соҳасида самарали ижод юксак маданият билан ёндаша билишимиз зарур. Шу мақсадда ҳар бир соҳа бўйича чуқур билим ва маълумотга эга булган билимдон кишилар ҳайъат аъзоллигига сайланган.

КИМ ЭНГ ЯХШИ ИЖОДКОР?

қилаётган иқтидорли ижодкорлар тақдирланиб келинади. Шу боис, "Офарин" жамғармаси ташкил этилган. Уч йўналишда сайланган ҳакамлар ҳайъати фаолият кўрсатмоқда. — Танловга фақат адабиёт ва журналистика соҳаларининг ўзидан қирқдан ортиқ ижодкорларнинг ижод намуналари тақдим этилди, — деди Республика Маданият ишлари вазир Хайрулла Жўраев "Туркистон-пресс" муҳбирига. — Уларнинг ижодларига энг одил баҳони бера олиш учун

инобатга олган ҳолда аниқланади. — Эндиликда йилнинг энг яхши ижодкорларини "Офарин" танлови асосида тақдирлаш аънаъна тусини олади, деди сўзининг охирида Хайрулла Жўраев. Танлов ҳар йили мунтазам ўтказиб борилади. Эҳтимол, унинг қамровини янада кенгайтириш имкониятига ҳам эга бўлармиз. Яқиний тадбирда эса фақат голибларинигина эмас, иштирокчиларни ҳам совғалар кутмоқда. "Туркистон-пресс"

УНУМЛИ ДАРС ЎТИШ ИМКОНИЯТИ

Таълим соҳасида тубдан ислохотлар бошланган қисқа вақт давомида "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" иш-лаб чиқилди. Ҳамма фанлардан Давлат таълим стандартлари қабул қилинди. Бу стандарт талаблари янги дастур ва дарсликларда ўз ифодасини топмоқда. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг амалий тизимлари сифатида тест синови ва рейтинг усули таълим-тарбия жараёнига кириб бормоқда. Буларни ижобий воқели сифатида таъкидлаб ўтиш билан бирга ҳали етарли эмас эканлигини ҳам тан олиш жоиз бўлади.

дек, табақалаштирилган ўқитиш масалаларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ҳаётга таъбиқ этиш учун дастурлар тайёрлаш зарур.

Қонунда таъкидланган билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш тамойили болалардаги билим ва истеъдодни аниқлашга доир

умумтаълим мактаблари учун чиқарилган дарсликлардан фойдаланядилар. Оддий мактабни қондираётган бу дарсликлар иттихослашган мактабларни қаноатлантирмайди.

Mulohaza

Мезонлар тайёрлаш ва амалда қўллашни тақозо этади. Чунки, ҳозир болалар танлаб олиб ўқитилаётган лицей ёки гимназия синфларининг ўқувчилари ҳам оммавий мактабларнинг ўқувчиларидан деярли фарқ қилмайдилар. Чунки, бу мактаблар учун тайинли дастур ва дарсликнинг ўзи йўқ. Улар ҳам оддий

Кўриниб турибдики, бу мактаблар учун алоҳида дарсликлар яратиш вақти келди. Айни вақтда шундай бўлишига қарамай, болаки мактаб ёшига яқинлашган ҳар бир ота-она, албатта, "Боламини қайси мактабга берсам экан?" — деб ўйлайди. Сабаби, кейинги вақтда янги типдаги мактаблар хили кўпайди; номига гимназия сўзларини қўшиб айтиш одат тусига айланди. Кўпгина мактаблар шу йўл билан маълум мавқе ва имтиёзларга эга бўлидилар.

(Давоми 2-бетда)

• **Осиё тараққиёт банкининг пойтахтимиздаги ваколатхонасида Ўзбекистонда кам таъминланган оилалар турмушини яхшилаш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича мазкур банк ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳамкорликда тайёрланаётган лойиҳага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

• **Жалолқудук туманидаги Алимайдон қишлоғида камқонлик хасталигига учраган болалар учун махсус интернат фойдаланишга топширилди.**

• **Наманганда "Намқоғоз" коғоз ишлаб чиқариш фабрикасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

• **БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Жанубий Осиё давлатлари бўйлаб сафарга чикди.**

Ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг маъно ва моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлод онгига синдириб бориш, илк ҳуқуқий таълим сабоқларини таълим-тарбия жараёнига киритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Мактабгача ёшдаги болаларга илк ёшданок дастлабки ҳуқуқий таълим сабоқлари ўқув машғулотлари, ўйинлар, меҳнат, экскурсия, кўнгил очиш соатлари каби таълим-тарбиявий жараёнларда турли хил фаолиятлар орқали амалга оширилади.

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 551- "Оймома" болалар боғчасида ТШҶМОИ мактабгача таълим бўлими ташаббуси билан "Ёш мутахассис-

лар билан ишлаш" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда шаҳардаги мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари иштирок этдилар.

Анжуманда 551-болар боғчаси тарбиячилари Латифа Ёқубованинг илк ёш

Afsus...

га муҳаббат, ҳурмат билан қарашларини, ҳар бир фуқаро дам олиш, билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида дастлабки тушуначқа эга эканликларини намойиш қилдилар. Шунинг-

ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР БИЛАСИЗМИ?..

гурӯх кичкинтойлари билан "Кўёнжоникига меҳмонга", Гулнора Солиҳованинг тайёрлов гурӯҳи дилбандлари билан "Мўъжизалар мамлакатига саёҳат" мавзусидаги машғулотлари кузатилди. Машғулотларда нуридийдалар теварак-атроф билан танишиш жараёнида гўзалликларни кўра билиш, улардан завқланиш, табиатга, Ватан-

дек, Ватан ҳақида шеър (муаллифлари булар), мақол, ҳикматли сўзлар, мушоираларни нутқ маданиятига риоя қилган ҳолда оҳанг ила ижро этдилар.

Семинарда ШҶМОИ мактабгача таълим бўлими томонидан интерфаол усулидан фойдаланиб, "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Мактабгача

таълим муассасаларида илк ҳуқуқий таълим сабоқлари бериш" бўйича тайёрланган тарқатма материаллар тарбиячиларга тарқатилди. Бу ҳар бир ёш мутахассиснинг Конституция ҳақидаги билимини аниқлаш ва мустаҳкамлашга,

нарсдан кўз юмиб ўтолмадик. Семинар давомида мураббийларга: Ким Ватан ҳақида шеър билади? — деб берилган савол залда муаллақ қолди. Бирмунча вақт ўтган, мутахассис тарбиячилардан бири:

Яшна Ватан, жон Ватан, Сенга шараф-шон

Ватан, — деб мактабда ўрганган икки қатор шеърни айтди. Шеърни ким ёзган? — деган саволга яна жавоб йўқ.

Ахир, она-Ватани ҳақида бирон-бир шеър айтолмаган, унинг гўзалликларидан завқ олинмаган тарбиячи болаларга Ватанни севиш, у билан фахрланиш, уни асраб-авайлаш, ҳуқуқ ва бурч ҳақида нима ҳам дея оларкин!

«ҚОВУН АСАЛИ»

Ковунни қайта ишлашнинг чикчидисиз технологияси бўйича олинандиган қимматли маҳсулотлардан бири қовун асалидир. Тошкент Ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш институти доценти Бахтиёр Шоймардонов томонидан патентланган бундай қайта ишлаш усули натижасида бир тонна қовундан 70 килограмм атрофида тотли ширинлик — "қовун асали" номини олган қуолатирилган қиём олиш мумкин.

ЯНГИ ТОПИЛМА

Американинг Жанубий Дакота штатидаги ранчолардан бирида унча катта бўлмаган динозаврнинг тошга айланган скелети топилди. Қизикарли жиҳати жониворнинг юраги бутунлигича сақланганлигидир. Памонтолог Майк Хаммер динозавр юрагининг ҳозирги қуш ва сут эмизувчилар юрагига ўхшаш эканлигини таъкидламоқда.

Дилбар ХҲҲАЕВА



• **НАТОнинг ҳарбий кўмитаси раҳбари Адмирал Гвидо Вентурони билан булган учрашув чоғида Арманистон бош вазири Андраник Маркарян Арманистон Шимолий Атлантика Блокнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида фаол иштирок этишини билдирди.**

• **Хитой прокуратураси сўнгги пайтларда 45 мингдан ортиқ коррупция билан боғлиқ жиноятларни фош этди ва 4,7 миллиард юан (566 миллион доллар) миқдоридеги маблағни давлат ихтиёрига мусодара қилди.**

• **Бундан буён Оврўпо Иттифоқи комиссияси аёллар ва болалар савдосига қарши курашни кучайтирмоқчи, дея хабар тарқатди Дойче-Веллэ агентлиги.**

КҮЛ ХАВФ ОСТИДА

Африка қитъасининг йирик сув ҳавзаларидан бири-Чад кўли тобора қуриб бораёпти. Суний йўлдош орқали олинган суратни ўрганиб чиққан мутахассисларнинг маълумот беришича, 1963 йилда кўл сатҳи 25 минг кв.км.ни ташкил этгани ҳолда, айни пайтда 1,350 кв.метрни ташкил этади, холос.

ОСОЙИШТА ҲАЁТ

Бразилиялик шифокор Жайро Мансила Венесуэла чегарасидан унча узоқ бўлмаган Амазонка ҳавзасидаги чекка бир ўрмонда яшовчи яномма қабиласининг ҳиндулари ҳаётини ўрганиб, стресс ва гипертония касалликлари бу қабилда умуман учрамастлигини аниқлади. Шифокор туз ва ёғнинг бегоналиги ва осойишта ҳаёт қабилда соғломлигига сабабдир, деб таъкидламоқда.



YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

Хурматли газетхонлар! Сизлардан ташаётган таклиф ва илтимосларни инобатга олиб, газетамизда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ва унинг имлоси бўйича сабоқларни яна тиклашни ваъда берган эдик. Шу мақсадда кўпгина мутахассисларга мурожаат этдик. Ва, ниҳоят, маънавий ҳаётиимизда кечаётган ўшбу янгиланиш жараёнида иштирок этишни ўз вазифаси деб билган ҳамда билганларини бошқалар билан баҳам кўришни хоҳлаган олим — Ғафур Ғафуров мудири, доцент Абдурозик Рафиев бизнинг таклифимизга хайрихоҳ чиқди. Кўйида олим томонидан тайёрланган 1-дарс ҳукминизга ҳавола этилмоқда. Агар сизда бу хусусда қўшимча саволлар тугилди дегунда, таҳриратимизга мурожаат этишигиз мумкин. Биз имкон қадар саволларингизга оидинлик кiritишга ҳаракат қиламиз.



Ижодкор, қобилиятли болаларни излаб топиш, уларни рағбатлантириш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Суратда: Фаргона вилояти Марғилув шаҳридаги 23-мактабнинг математика фани ўқитувчиси С. Дадақонова ўқувчилар яратган "Темиртан" моделини намойиш этмоқда. Р.АЛБЕКОВ олган сурат.

ҚАЧОН Е, УЕ ЁЗИЛАДИ

1-ДАРС

Мустақил республикамизнинг ўзига хос йўлдан барқарор тараққиёт этиши ва жаҳон коммуникация тизими билан қўлай алоқасини таъминлаш мақсадида лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам ёшу қари, ҳар бир фуқаро, ҳукуматимизнинг ўшбу қарорини бекам қўст бажариш мақсадида янги алифбода ўқиш ва ёзишни жадал ўрганишга ҳаракат қилишигиз лозим. Дарсларимизда алифбо ва имло масалаларини узвий боғлиқ тарзда, уйғун ҳолда бериш орқали сиз, азиз муштариларга ҳам ҳарфларнинг янги ўзбек ёзувида ифодаланишига, товуш ва ҳарф муносабатидан келиб чиқувчи имло қоидаларига доир билимларингиз оқс ўзлаштирилишига оид услубий тавсиялар беришни маъқул кўрдик.

Ушбу дарсда э(е), е, ё, ю, я ҳарфларининг янги ўзбек алифбосида ифодаланиши ва ёзилишига оид қоидаларни ўрганамиз.

1. Маълумки, э(е) унлиси тилингиз олд қисмида лабларнинг иштирокида талаффуз қилинувчи ўрта кенг товуш ҳисобланади. Сўз таркибига қайси ўринда келишига қараб турлича талаффуз қилинади ва талаффузига кўра, икки хил шаклда ёзилиши қўбул қилинган. Шунинг учун ҳам, бу унли товушни тўғри талаффуз қилиш ва ёзишни ўрганишда, аввало, унинг сўздаги ўрнига жиддий эътибор бериш керак бўлади.

ЭСДА ТУТИНГ

э(е) унли товуши ўзбекча сўзларда сўз бошида оқил талаффуз қилиниши ва кирилмадаги "э" ўрнида фақат янги ўзбек ёзувида "е" тарзида ёзилиши лозим:

эрта-erta, экин-ekin, эл-ел каби. Шуни унутмангки, кирил ёзувида э ҳарфи билан бошланадиган барча ўзбекча сўзлар янги алифбода "е" ҳарфи билан ёзилади.

Очқ бўгин, яни ундош-унли ҳолатида ҳам очқроқ айтилди ва "е" ёзилади, худди кирилмадаги каби: секин-sekin, мева-meva, керак-kerak каби.

• Икки ундош орасида,

яни ёпиқ бўғинда нисбатан ёпиқроқ айтилиши ва олдинги ёзувдаги каби "е" тарзида ёзилиши керак:

сезгир-sezgir, севги-sevgi, тепки-tepki каби.

• Кирилл ёзувида сўз бошида келганда "е" ҳарфи билан ёзиладиган товуш ёлганган, яъни "й" қўшиб айтиладиган (й+э) қўйалоқ товуш тарзида айталар эди. Аммо "й+э" тарзида, яъни икки ҳарф билан эмас, балки фақат "е" билан ёзилади эди. Бундай талаффуз қилиниши нутқимизда мезёрлашган бўлса ҳам, аммо янги ўзбек лотин ёзувида алоҳида-алоҳида ҳарфлар, яъни "у+е" ҳарф бирикмаси тарзида ёзилиши тақозо этилади:

елка-yelka, етук-yetuk, емоқ-yemoq каби.

Демак, кирилл ёзувидаги қўлланган е, э ҳарфлари нутқимизда э(е) билан унли товуши ҳам, шунингдек, е ёлганган (й+э) товушни ифода қилган бўлса, янги ўзбек лотин ёзувида "е" ҳарфи (кирилл ёзувида е ва э ўрнида) фақат битта унли товушни-э(е) ифодалаш учун ишлатилади.

Тошхирик: э(е) ва е(й+э) товушларини фарқлаган ҳолда кўйидаги сўзларни лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбосида икки устунга ажратиб ёзиш:

Мехмон, энгил, телевидение, печак, елкан, бебаҳо, етарли, тергов, сеумур, театр, департамент, эзгин, элексиор, поезд, разъезд, воқеа, қаерда, эзгулик, шероза, чекка, цемент, терма, меувар, лейтенант, кечмиш, зехн, етакчи, гезармоқ, беланчак.

REJISSYORMI, REJISSOR?

2. "ё" ҳарфи икки товуш бирикмасидан (й+о)дан ташкил топгани учун лотин ёзувида янги алифбода икки ҳарф бирикмаси шаклида, яъни у+о тарзида ёзилади.

ёркин-yorqin, диёрdiyor, раёсат-royosat каби. Аммо рус тили орқали ўзлашган айрим сўзларда бу ҳарф юмшоқ ундошлардан сўнг келганда кўйи кенг "о" товуши каби айтилди. Шунга кўра, бундай сўзлар янги ўзбек ёзувида биригина ҳарф билан ифодаланиши лозим:

режиссёр-rejissor, ликёр-likor каби.

(Давоми бор)

БОБУРШУНОС ОЛИМ

Ўзбек халқи дунёдаги энг қадимий маданиятга эга бўлган, илму фан, шеърят ва санъатда бемисл ёдгорликлар яратган халқлардан дур. Истиқлол йилларида бу улкан маънавий хазина янги нигоҳ билан қайта ўрганила бошланди, мумтоз адабиётимизнинг салоҳияти, гоёвий юксаклиги, жаҳон адабиёти билан беллашадиган нодир асарларимизнинг моҳияти ва аҳамияти намойиш бўлиб бормоқда. Бу ишда, албатта, захматқаш олимларимизнинг илмий изланишлари яхши замин ҳозирламоқда. Шундай иқтидорли олимларимиздан бири, филология фанлари доктори Ҳасан Қудратуллоевдур. У ҳам махсус тарғиботчи олим, ҳам манбашунос, ҳам қалами раво мунтақид-тарғиботчи сифатида ишлари шоёнлиқ қилди.

Олим Шарқ тилларини, эски ўзбек тилини яхши билган ҳарфи учун бевосита қўлгема манбалар устиди ишлаб, XV-XVI асрга тегишли адабий ёдгорликларини ўрганиди, Хондამирнинг "Маоримул ахлоқ", "Ҳабибус сиёра" асарларини таржима қилди. Илмий тадқиқот ишини Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганишдан бошлаган Ҳ.Қудратуллоев Захриддин Мухаммад Бобур ижодига меҳри тушиб, бу соҳада қатор мақолалар, рисола ва монографиялар яратди. Зотан, Навоий ва Бобур — ўзбек адабиётининг икки улкан сиймоси. Уларнинг ижоди орасида ўхшашлик ҳам, ярқ этиб ажралиб турадиган фарқлар ҳам бор. Ҳ.Қудратуллоев бу икки адибнинг адабий-эстетик қарашларини чоғиштираркан, ана шу жиҳатларига эътиборини қаратади. Навоий эстетикаси, санъаткорлиги Бобур томонидан давом эттирилди, ҳар икки адибнинг Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий ижодига муносабатида яқинлик сезилади. Шу билан бирга

Бобурнинг Навоий ижодига муносабати алоҳида диққатга лойиқ, Бобур Навоийнинг туркий тилда "энг кўп ва энг ҳуб" асарлар ёзган буюк даҳо шoir эканини биринчи бўлиб баҳолаган кишидур. Бобур Навоийнинг шахсий ҳаёти, Хусайн Бойқарога муносабати, умуман, Ҳирот адабий ҳаётини "Бобуронома"да холисона ёритиб, ўзининг фикрларини баён этди. Кизиги шундаки, Хусайн Бойқаро асарларига нисбатан Навоий ҳам, Жомий ҳам бирор ерда танқидий фикр билдирган эмаслар, фақат Бобур шох ва шoir Хусайннинг истеъдодини ҳам, камчиликларини ҳам кўрсатиб қетади.

Ҳ.Қудратуллоев фикрига кўра, Бобур ҳатто ўз муҳолифлари Мухаммад Шайбонид ва Мухаммад Солиҳлар ижодини баҳолашда ҳам холисона йўл тутган. Олим "Бобуронома" устиди бир неча йиллар илмий кузатишлар олиб борди. Унинг назарида адабий ёдгорлик, айниқса, "Бобуронома" каби асарининг умрбоқийлиги бош шукни, унда, биринчидан, Бобур каби улуг тарихий шахс, подшо ва шoir, қилич ва қалами бирдай адолат йўлида ишлатган фақуллодада қобилият соҳиби бўлиши инсоннинг сарғиштириши, кечинмалари, қилган ишлари ўз ифодасини топганидур. Иккинчидан, бу қомусий асар тарихий ёднома бўлиш баробарида баъдий наср услубида яратилгани, жоэиб ва қизиқарлилиқидур. Ва, учинчидан, асар тилининг ўз даврига нисбатан соддалиги, реал воқеалар жонли, ифодали баён этилганидур. Албатта, бу фикрларнинг бир қисми Ҳ.Қудратуллоевга ҳам айтилган эди. Ҳ.Қудратуллоевнинг ютуғи шундаки, у бу қарашларни Восифий, Хондამир, Мирхонд асарлари билан қўйсан таҳлил қилиб исботлаб берди. Биз биламиз-

ки, Бобурнинг замондоши Зайниддин Восифий ҳам ўзининг "Бадоеъул вақоъ" (Гўзал воқеалар) номли асарига ўша даврни қаламга олган. Аммо Восифий асари жимжамдур тилда ёзилган ва воқеалар тасвирида кетма-кетлик, хронологик боғлиқлиқ йўқ. У алоҳида-алоҳида воқеалар йиғиндиси бўлса, "Бобуронома"да йилма-йил бўлган воқеалар изчиллик билан тасвирланади. "Бобуронома" ўз тилиши, услуби, мазмуни билан нафақат Шарқ адабиётида, балки жаҳон адабиёти тарихида ҳам нодир ёдгорлиқдур.

Ҳасан Қудратуллоев "Ҳиммати аржуманд Бобур ёки шохнинг саккиз хислати", "Бобуронома"да руҳий ҳолат тасвири", "Бобур — Амир Темур салтанати вориси" номли салмоқдор мақолаларида Бобурнинг ҳарбий маҳорати, давлатчилик қарашлари, давлати бошқаришга оид ҳақиқат аҳамиятли фикрлари, тарихи аҳамиятли воқеалари, давлатчилик тарихи саҳифалари ёритилди. Бир қанча ишларга оид олим хали кўпчиликка маълум бўлмаган манбалар асосида Бобурнинг руҳий изтироблари, кўнгил кечинмаларини ифода қилишга жихатларини очди. Бобурнинг девони билан "Бобуронома", "Мухтасар" ва "Мубайин" асарларини чоғиштириб, қизиқ илмий қарашлар қилди.

Олим Бобур ижодини кенг кўламада таҳлил ва тадқиқ этиб, "Бобурнинг поэтик маҳорати" номли монография яратди. Унда улуг адибнинг ижоди яхлит ва чуқур ўрганилган.

Ҳ.Қудратуллоев ўз меҳнат фаолиятини мактаб ўқитувчилигида бошлади, яъни 1965 йилда Самарқанд Давлат университетини битиргандан кейин бир неча йиллар Фаргона ва Самарқанд вилоятларида ўқувчиларга мумтоз ада-

биётдан дарс берди, кейинчалик эса Халқ таълими вазирлигида давлат инспекцияси бўлими бошлиғи, республика ўқув-методика маркази директори (1995) лавозимларида ишлаб, мактаб-маориф муаммолари билан яқиндан таниша борди ва ўқувчилар эътиборини қондирадиган дарсликлар, қўлланмалар яратиш зарурлигини англади, бу ишга олимларни жалб этди. Ҳ.Қудратуллоев ҳам оммабоп наشرларни қўлайитириш, методик ишлар ёзишга ҳисса қўтди. Жумладан, у "Институтда кирувчилар учун ўзбек тили ва адабиётдан методик қўлланмалар", "Педагогика олий ўқув ортларида "Бобуронома" асарларини ўрганиш" каби ишларни ёзиб, нашр эттирди.

Ҳасан Қудратуллоев бир неча йиллардан бери Антарктидада Тошкент вилояти педагогика институтиди ректорлик лавозимида ишлаб келмоқда. Айни вақтда у талабаларга ўзбек адабиёти тарихидан дарс бериб, ёшлар қалбига Лутфий, Навоий, Бобур, Оғахий шеърятига меҳр уйғотиш, қобилиятли, билимдон ўқувчи кадрлар тайёрлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Ҳ.Қудратуллоев — икки тили ижодкор олим эканлигини ҳам бу ўринда таъкидламоқчиман. У ўзбек тилида ва тожик тилида ёзилган юздан ортиқ илмий ва илмий-оммавий мақолалар муаллифи. Ҳасанжон Абдурауф Фитратнинг "Ҳинд сайёҳининг қиссаси", "Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври" номли асарларини тожикчадан ўзбекчага таржима қилди. Ҳ.Қудратуллоев ҳам дахшад ҳажмида ирригацияга оид русча-дари лугатини тузди. Олимнинг қалами бароқали. У маънавиятимиз тарихи, бугунги ҳаётимиз, истиқлол оғимизда уйғотган янгиликлар ҳақида ёзишда давом этмоқда.

Нажмиддин КОМИЛОВ, филология фанлари доктори, профессор

кўп иш қилмоқдалар. Синфларнинг жиҳозланишини айтмайсизми, бугунги кунда қандай дарс беришдан қатъи назар, амалда ҳар бир ўқувчи эга бўлган методика кабинетлари тўғрисида гапирмасам ҳам бўлади. Мактаб раҳбарияти ўқувчининг яхши жиҳозланган кабинети — ишда гоёт катта ердан беришчи оғил деб ҳисоблайди. Чунки, кўргазмалари ва дидактик материаллар, дид билан тайёрланган стендлар ўқувчиларни мана шундай кабинетга жалб этади, деса бўлади.

Ҳозир эса мактаб дирекцияси ва бутун педагогик жамоаси анъанавий давлат тили ўқитишга (бу одатда март ойида ўтказилган) тайёргарлик билан бандиқлар. Ҳ.Қудратуллоевнинг Республика Конституцияси ўрганиш дарсидан бошлаёмиз. Бундай дарс — болаларнинг ўз мамлакатини Ассийб Қонунини билиш бўйича ўзига хос ҳисоботиридур. Тадбирда деворий газеталар танловлари ҳам, "Менинг тилим — менинг дустим", "Ўзбекча гапирини ўрганамиз", "Эртақлар оламида" тўғрақларининг кўриқлари ҳам, миллий либралор кўргазмалари, ўзбек халқи анъаналари — "Келин салом", "Бешик тўй" ва шу қабиларнинг театрлаштирилган намуналари бўлади ва ҳатто ўзбек таомлари тайёрланади.

Умуман, ўн кунликни ўтказишдан мақсад ўзбек тили бўйича туман ва шаҳар олимпиадаларида иштирок этиш учун яхшилардан энг яхшиларини танлаб олишидур. Масалан, утган йил туман олимпиадасида мактабимиздан бир йўла тўрт нафар ўқувчи иштирок этиб, совирилли ўринларни эгалладилар ва шаҳар олимпиадасига чиқдилар. Бу тадбирларнинг ҳаммаси шунаси билан яхшики, оддий дарслардан фарқли ўлароқ, болалар икки тили — ўзбек ва рус тилларида — бир тилдан иккинчи тилга бемалол ўтиб эркин мулоқот қила бошлаётганликларини сезмай қолишади. Масалан, кунларнинг бирида Темурйиллар тарихи Давлат музейига бориб, экскурсияни ўзбек тилида ўтказётган вақтимизда ўқувчиларнинг ўзлари экскурсуводга саволларни айнаи давлат тилида беришати бизни хайратга солди.

Дарҳақиқат, айниқса, болалар билан ишлар экансан, ўз меҳнатинг самараларини кўриш — ҳамшиша ниҳоятда қувонarli бўлади. Шу муносабат билан мен ўз ҳамкасбларимдан Ч. Миржалонова, Н. Носирова, М. Тоҳирова, М. Худойберганова, Р. Жабборовларнинг номларини тилга олиб ўтмоқчиманки, улар ўзларини мана шу сержашакта ишга тўлғанишда бахтидор бўлмоқдалар, биз ҳам меҳнатимиз зое кетмаётганидан улар билан бирга қувонамиз.

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!

Ўқувчилар мактабда ўтказилган "Нон байрами"га қандай завқ-шавк билан муносабатда бўлишганини бир кўрсангиз эди! Болалар ҳамма нараса билан қизиқдилар. Улар байрам меҳмонлиги: Қаҳрамон она Салтанат Сиддиқовани, этнограф-олим Билал Аминовни, Қумрихон опа Наврўзовани ном билан боғлиқ барча миллий ўрта-одалтар тўғрисида, оғир йилларда тандир нонининг нархи ҳақидаги, ҳосил байрами тўғрисидаги саволларга қўмиб ташладилар. Нон махсусларининг юзтадан кўпроқ турини намойиш этилди, моҳир ноновилар тайёрлаган вазни 16 кг.дан ортиқ олин ҳам алоҳида эътиборни жалб қилди. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлари тайёрлаган миллий пишириқлар ҳам тақдим қилинди.

Байрамда болалар нон тўғрисидаги шеърларни, қўшиқларни ижро этдилар, меҳмонлар нон байрамга бағишланган театрлаштирилган кўринишларни мароқ билан томоша қилдилар. Болалар нонвойхоналарга уюштирилган экскурсияларда бугдой, жавдар навлари билан танишдилар, тегиримон қандай ишлашини, тандирда нон ёпилишини кўрдилар.

Ҳозир эса амалда бутун мактаб ажойиб баҳор байрами — Наврўзга тайёргарлик кўриш билан банд. Болаларнинг ўзлари "Миллий таомлар", "Шарқ ширинликлари" кўргазмаларини тайёрламоқдалар, сумалак, паловни ҳам ўзимиз пиширамиз. Байрам кунлари "Шарқ лирикаси" адабий ҳаваҳонасини ташкил этмоқдамиз, унда иштирок этиш учун болалар Алишер Навоий ҳамда Бошқа Шарқ шoirларининг шеърларини тайёрламоқдалар. Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Жомеъ ас-сахих" ("Ишончли тўплам") шох асарини ва бошқа меросини ўрганимоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммасини биз деярли тўлалиқдан давлат тилида ўтказишга интиляямиз.

Яқинда эса биз (Наврўзга тайёргарлик доирасида) "Ўзбекистоннинг маданияти ва ҳаётини қим қилибди" викторинасини, "Ўз ўлганни сев" мавзусида сўз усталарининг танловларини ўтказдик. Ҳамза номли театрга бориб, "Чимилдик" спектаклида бўлиб. Бу ерда болалар халқининг тўй маросимлари ва бошқа анъаналари билан танишиб олдилар; юқори синф ўқувчилари ўтказилган "Шеърят соати" та шoirларимизнинг шеърларини ўзбек тилида жуда яхши ўқидилар.

Ҳар бир ўқувчи Наврўз тўғрисида билганларини сўзлаб беради. Кейинги йилларда Наврўз ўзбеклар учунгина ҳақиқий байрам бўлиб қолгани йўқ, унга юртимиздаги барча миллат вакиллари ҳозирлик қўради.

Болалар фаол сўхбат шаклида ўтказиладиган "Президент асарларини ўрганиш" мавзусидаги дарсларда эркин ва дадил фикр ортишлар, демак, улар камол топиб бормоқдалар.

"Мактаб — маҳалла — оила" концепцияси мактабда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шарқда маҳалла тушунишга яхши маълум бўлиб, у аллақачон жамоанинг мустахам ҳамма-ўзини-ўзи бошқариш шакли сифатида одамлар онгига сингиб кетган ва унинг ўқув жараёнига таъсирини эътиборга олмаслик асло мумкин эмас. Маҳаллаларнинг оқсоқлари, таниқли кишилари билан турли учрашувлар, Меҳр-шофат кунлари ўтказиб турилади. Масалан, яқинда мактабимиз ўқувчилари синф раҳбарлари билан бирга Юнусободдаги гўдақлар уйига бориб, кичкинтойларга ўйинчоқлар, турли совғалар, ширинликларни тортиқ қилдилар.

Бизнинг мактабимизда ҳам янги — "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушуночалар ва тамойиллар" фани ўқув жараёнига татбиқ этилмоқда. Дарслар ўқувчиларнинг ўзларида кўпроқ ташаббусларни уйғотадиган, бу мураккаб мазмуни ўзлаштиришга уларнинг ўзлари ижодий ёндашадиган тарзда ташкил этилмоқда. Мактабимиз илмий мудири Г. Караванская доими шундай фикрни такрорлайди: "Бугунги мактабимиз ҳаёти катта ўзгаришлар катта ислохотлар билан ҳаммаҳандир".

Дарҳақиқат, ўқиб — ижодий жараён бўлиб, уни бирон кун ҳам, бирон соат ҳам тўхтатиш, бир жойда денсиниб туриш мумкин эмас. Ҳар қандай, ҳатто ўртача ҳолатдаги мактаб ҳам ҳамма-ўзига хос бўлиб қолиши керак. Шуни англаш қувончлики, мен айни мана шундай мактабда — турли миллат ва элларнинг намояндалари ўқитган мактабда ишляяман, лекин уларнинг ҳаммаси учун Ватан биттадир. Улар шу Ватан равнақи йўлида билимларини бойитиб бормоқдалар. Биз ҳаммасини шу йўлда меҳнат қилаверамиз.

Муҳаббат ҲАЙДАРОВА, Тошкент шаҳридаги 43-мактабнинг рус тилида таълим бериладиган синфлар ўзбек тили ўқитувчиси

Yangicha ish usuli

беҳуда юришмайди, балки қўшимча машғулотда қатнашиб, билимини мустаҳкамлаб боришади.

Яна бир томони, махсус синфларда ҳар ойда махсус синов-имтиҳон ўтказилади ва ўзлаштирмаган болалар оддий синфларга қайтарилади. Уларнинг ўрнига бошқа оддий синфларда ўқитган аълоки болалар қабул қилинадилар. Демак, махсус синфлар ўқувчилар орасида кимнинг кимлигини кўрсатадиган ўзига хос синов, маъсулият

ЯНГИЛИК ҚИЗИҚИШНИ ОРТИРДИ

кемоқда. Мактабнинг таълим хизматлари кўрсатиш ҳамда бошқа тадбиркорлик орқали топшляётган қўшимча маблағларнинг бир қисми таълим бераётган ўқитувчиларга қўшимча иш ҳақи сифатида тўлана, бир қисми синфларни бозатиш, турли тадбирлар ўтказишга сарфланмоқда. Масалан, мактаб бўйича мунтазам ўтказилаётган "Энг яхши синф" танлови фолиблари рағбатлантирилади.

Янгилик усулининг самараси ниҳада? Биринчидан, ўқувчида қизиқтириш катта. Чунки, эрта-та олий ўқув юртига кириб ўқиш учун катта маблағ эвазига репититор ёллаш зарурлиги қолмайди. Иккинчидан, синфлар тўлиқ рейтинг тизимида ўтган, ўқувчи дарс қолдириса балл йўқотади. Шу боисдан, бу синфларда давомат ҳар доим ўз фойз бўлаётди. Ота-оналар хурсанд, болалари дарсдан бўш вақтлари

мақони бўлиб қолмоқда. Айни пайтда махсус синфларда дарс бераётган ўн икки нафар малакали педагогларимиз оддига ҳам алоҳида талабар қўйилган. Улар ўз машғулотларига эътиборсиз қарашса ёки ота-оналардан норозилик пайдо бўлса уларни ҳам бошқа педагоглар билан алмаштириш мумкин бўлади.

Янгилик усулида махсус чуқурлаштирилган синфларда иқтидорли болаларга ўзлари севган фанлардан қўшимча сабоқ беришининг маъқул бўлганини ҳар кун ҳузуринга шундай синфларга ўз фарзандларини ўтказишни сўраб, илтимос билан келаётган ота-оналар оқими ҳам исботлаб турибди.

Гулираъно МАТКАРИМОВА, Хива туманидаги 1-ўрта мактаб директори

БОЛАЛАР УЙЛАРИДА НАВРЎЗ НАФАСИ

Ўртачирчиқ туманидаги 124-махсус мактаб-интернатга баҳор нафаси билан биргаликда мурувватли инсонларнинг меҳри ҳам кириб келди. "Соғлом авлод учун" жағмарасининг Тошкент вилояти бўлими бу даргоҳдаги олтиш нафар болани кийим-бош билан тўлиқ таъминлади.

—Туманда хонадонлар бағрида тарбияланаётган йигирма нафар кичкинтойни ҳам унутганимиз йўқ,— деди жағмарга вилоят бўлимининг раиси Гулсанна Ваҳובה. —Уларга ҳам байрам совғалари улашилди. Тумандаги болалар уйига жами 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу хайрия тадбирини амалга оширишимизда Англиянинг "QUICK STOP GROUP" фирмаси президенти Житендра Пател яқиндан ёрдам берди.

Дарҳақиқат, жағмаранинг вилоят бўлими қўшалоқ байрам арафасида Янгийўл шаҳридаги 18-махсус интернат ва 13-ўрта мактабга совға-салом билан кириб боришди.

"Туркистон-пресс"

Tadqiqot

ёрдан нолиб ёрининг хижрониди ўртанади ва ёр висолига етмай ёқани чок қилиб, бечора ошмидан ҳазар қилиб машғулотни ошининг охи тутиши муқаррар эканлигини айтиб ўтади.

Шoir ошхик кечинмаларини ниҳоятда ўзига хос топкирлик билан тасвирлаганки, унда қўлланган "оҳим ёқандан тут-сун" мазмунидаги қарғиш ошхик тўғрисидаги замон ва макон билан боғлиқлигини, халқ орасида кечадиган муомала жараёнини аниқ кўрсатиб бера олган. Бу ўриндаги қарғиш инсонпарварлини мақсад қилган. Фикриятининг далили сифатида ҳазрат ижодиятига мурожаат қиламиз:

Ўзгалар ҳусини тамошо айласам чиксин кўзум, ўзга бир кўз ҳамки, ҳусунини тамошо айласа. Ошхик ўз муҳаббатига шунчаки садокатлики, у машғуладан ўзга бирор гўзалга боқини ис-тамайди, шу билан бирга маъшуқасини ўзгалардан қизғондир, яъни ошхик ўз ёримдан ўзгалар ҳусинига боқувдиган бўлган бошқа бир кўздан унинг ҳусини қизғондир. Бордиро, ҳусининг мендан ўзга кўз тамоша қилгудай бўлса, унинг ҳам кўзи чиксин, деб билини қарғайди. Кўриниб турибдики, шoir бир қарғиш билан ҳам ўзини, ҳам ўзгани қарғайди. Сўзасиз бу ошхикнинг муҳаббатда садокатлигини кўрсатиб-

камар Чуст этар — яхшироқ ушалса бели.

НАВОИЙ КИМНИ ҚОРАМАГАН

Mulohaza

Ўзбек ўз номи билан узи-га бекада! Ҳазил уз йулгаю, лекин жиддийроқ назар солсак, аслида ўзбек ўзбекининг гапига қиради. Негаки, гарбдан фарқи улароқ, бизда жамоа шахслар устун кўйилди. Аммо, шундай вазият бўладики, ўзбек нафақат ўзбекининг, ҳеч кимнинг гапига қирмайди. Бу ундаги ноёб бир гузал, нозик туйғу билан боғлиқ. Бу туйғунинг номи—ориент.

Инсондаги худбинлик—эгоизм ва узгалар—қариндошуруғ, маҳалла, халқ, ватан, миллат учун жон куйдириш—альтруизм аслида бир моҳиятнинг икки кўтибиди. Булар бир-бирисин маъбуд бўлолмайди. Уларни боғлаб турувчи умумий ҳислат-хусусият, туйғулар ҳар бир инсонда бор бўлиб, шулардан бири—ориент туйғусидир.

Орият тушунчасига кенгроқ назар ташлаш лозим бўлади. Олайлик, уғил бола-ларнинг қир ювиш, овқат қилиш, хамир қорчи ёки сиғир соғилдан уялиши орият эмас. Агар уялданган бўлса, бу чала, маромига етмаган худбинлик оқибатидир. Эсимда, мактабда уқиб юрган пайтимизда, бу кун эрталаб онамга хамир қорчи бериб, мактабга йул олдим. Катта оламлар турмушга чиқиб кетишган, синглим хали ёш, шу сабабли, уй юмушларига

ТАРБИЯЛАБ ТУЙҒУ

қаришиш биз ака-укаларнинг бўйнимизда эди. Хуллас, қудимни яхши юзмаган эканамми, бир синфдошим тирноқларимда қотиб қолган хамир юқини қуриб қолиб қулган, мен бундан уялган эдим...

Қишлоқда бир йигит уяланди. У узини қишлоқнинг олди, ориятли йигитларидан бири деб ҳисоблагани учун, зурлигини исботлаш мақсадида, ичиб олган жураларнинг гапни ерда қолдирмайин деб, туй оқшомидек, келинни чимилдикдан олиб чиқиб, қозонда овқат пиширтирди...

Эки "мен хотинимдан қурқмайман" деган гапни исботлаш учун жураларнинг кун унгида ҳеч бир айб иш қилмаган, бегунох хотинини урган "ориятли" йигитлар ҳақида ҳам эшитганимиз. Шундайларга эътибор бериб қарасангиз, ақсарияти баъзан эркакларнинг ишини қилаётган оғнаси ва фарзанди учун оладиган нафақага куз тикиб яшайди.

Орият—инсон "мен"ини суяб турмуши устунлардан бири. Чинакам маънада ўз қаддини сақловчи, юксак поғоналарга кўтарилган "мен" гина ўзгалар қаддини, халқ, ватан, миллат қаддини сақай олади.

Қишлоқда борганимда бир кунни отам раҳматлик айтган эдилар:

—Тупон кунни Улмас уқанг кечкурун, бир дуо қилинг, ота, деб қолди. Нега, десам, шу кунни Ўзбекистон терма жамоаси қансидир юрт футболчилари билан уйнаши керак экан. Юртдошларимиз ютишсин, деб дуо қилдим. Уқанг нариги уйга футбол қургани кетди. Бир маҳал ярим кечаси уйғониб қарасам биров йиғлапти. Улмас эмас, Ха, нима бўлди десам, Ўзбекистон ютқанди, дейди. Анча пайт овутолмай овора бўлдим.

Бу—ун икки ёшли боланинг кўксига илди эртанг ориятнинг қукариши эди! Бу туйғу ўзбекка қон билан кирган—жон билан чиқди. Фақат, уни асраш, авайлаш, уз урнида ишлата билиш лозим.

Шерали ҚАРВОНЛИ

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ВИЛОЯТ ҒОЛИБЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Серкўёш Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида, умумтаълим фанлари бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчилари, академик лишей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида IV босқичдан иборат олимпиада бўлиб ўтмоқда. Ўқувчиларнинг энг иқтидорлилари ҳар бир босқичдан муваффақият билан ўтиб яқунловчи IV босқичда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

Вилоятларда ўтказилган олимпиадаларда белги-ланган нормадаги бални тўплай олмаганиги тўғрисида 12 та ўринга ғолиб чиқмади.

Республика Таълим марказида ҳолис экспертлар томонидан ғолиб ўқувчиларнинг ҳужжатлари ва ба-жарган ишлари синчиклаб ўрганилиб, улардан 4 ўқув-чига 4-босқичда қатнашиш ҳуқуқи берилмади.

Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқи 20 фан-дан 240 ўқувчига насиб этди. Улардан 84 нафари-лишей, 156 нафар умумтаълим мактаблари ўқувчи-ларидир.

Қуйида яқунловчи IV босқичда иштирок этадиган ғолиб ўқувчилар рўйхати берилмоқда.

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (ўқш тили-ўзбек) Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ЎЗБЕК ТИЛИ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (миллий мактаб) Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

РУС ТИЛИ АДАБИЁТИ (рус мактаб) Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ФИЗИКА Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

МАТЕМАТИКА Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

БИОЛОГИЯ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ЭҲМ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

КИМЭ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ЧИЗМАЧИЛИК Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ГЕОГРАФИЯ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ОЛМОН ТИЛИ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ФРАНЦУЗ ТИЛИ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ИНГЛИЗ ТИЛИ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ТАРИХ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ХУҚУҚ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

КОЗОК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ТОҶИК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (маҳсус мактаб) Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

МАТЕМАТИКА (МАҲСУС МАКТАБ) Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

Table with 6 columns: T/P, Ўқувчининг исми ва фамилияси, Балл, Вилоят, Туман шаҳар, Мактаб, Ўқитувчисининг исми ва фамилияси

Ma'rifa logo and address information: ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюмиси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ. Тахрир хайъати: Йўлдош АҚМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОВ, Фахриддин ҚАРИМОВ (масъул қотиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулқар ТҮЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ҳатир ҲОШИМОВ.

QUTLOV logo and text: Муҳтарам устоз Сайфулло БҮРОНОВ! Сизни мазмуни умрингизнинг муборак 55 баҳори билан қутлаймиз. Кўп йиллик қилган фидойи меҳнатингиз, сермахсул ижодий фаолиятингиз билан бурканган ибратли ҳаётингиз бундан буён ҳам қувончга тўлиқ бўлсин. Халқимизнинг ҳаминша ардоғида юринг. Сизга доимо Оллоҳдан соғлиқ, тинчлик — хотиржамлик ва узоқ-ўрм тилаймиз. Оқолтин туманидаги 8-ўрта мактаб жамоаси ва шогирдларингиз.

Шерали ҚАРВОНЛИ. Ташкент шаҳар Юнусов туман ҳокимлиги томонидан 25.02.1993 йилда Собир Абдуҷамил Шайхасанович номига берилган уй-йўлга мулкчилик ҳуқуқи турғисидеги 10-01/11701 рақамли давлат ордери йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.